

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**161** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизматларни кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 24 октябрдаги ПҚ–2640-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизматларни кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 24 октябрдаги ПҚ–2640-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 13 март,  
131-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 13 мартдаги 131-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 70-модда):

а) 1-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик бирлашмаларига» сўзлари «Ўзагрокимёҳимоя» акциядорлик жамиятининг «Агрокимёҳимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 2-банди биринчи хатбошидаги «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик бирлашмаларидан» сўзлари «Ўзагрокимёҳимоя» акциядорлик жамиятининг «Агрокимёҳимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятларидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 1 февралдаги 63-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 2-сон, 8-модда):

а) 10-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қишлоқ хўжалиги корхоналарига кўрсатиладиган агрокимёвий хизматлар ва ишларга, шунингдек «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган ҳамда «Ўзагрокимёҳимоя» акциядорлик жамиятининг «Агрокимёҳимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятлари орқали сотиладиган минерал ўғитларга ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларига нарх белгилаш нормаларининг асосланганлиги ва уларга риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар.»;

б) 11-банддаги «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларига» сўзлари «Ўзагрокимёҳимоя» акциядорлик жамиятининг «Агрокимёҳимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 28 июндаги 290-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 51-модда):

а) 2-илованинг 30-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 5-иловада:

6-банднинг ўн олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

7-банднинг ўттизинчи — ўттиз учинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 10-модда) билан тасдиқланган Моддий-техника ресурслари стратегик турларини сотишнинг махсус тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 46-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари» сўзлари «Ўзагрокимёҳимоя» акциядорлик жамиятининг «Агрокимёҳимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 47-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари ўзларининг туманлараро ва туман филиаллари орқали» сўзлари «Ўзагрокимёҳимоя» акциядорлик жамиятининг «Агрокимёҳимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятлари ўзларининг туман (шаҳар) филиаллари орқали» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари» ҳамда «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясига» сўзлари тегишли равишда «Ўзагрокимёҳимоя» акциядорлик жамиятининг «Агрокимёҳимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятлари» ҳамда «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамиятига» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари» сўзлари «Ўзагрокимёҳимоя» акциядорлик жамиятининг «Агрокимёҳимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари» сўзлари «Ўзагрокимёҳимоя» акциядорлик жамиятининг «Агрокимёҳимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари» сўзлари «Ўзагрокимёҳимоя» акциядорлик жамиятининг «Агрокимёҳимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 50-банднинг иккинчи хатбошидаги «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари» сўзлари «Ўзагрокимёҳимоя» акциядорлик жамиятининг «Агрокимёҳимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Аммиакли селитрани ишлаб чиқариш, ташиш ва сотишни назорат қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 30 апрелдаги 204-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 4-сон, 44-модда) 1-бандининг учинчи хатбошидаги «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари» сўзлари «Ўзагрокимёҳимоя» акциядорлик жамиятининг «Агрокимёҳимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий препаратларини етказиб бериш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 24 февралдаги 31-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 2-сон, 14-модда):

а) 3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;


б) 1-иловада:

4-банднинг биринчи хатбошидаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё республика маркази» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги марказий аппаратининг тегишли бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг учинчи хатбошидаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё республика марказидан ҳамда унинг вилоятлар, туманлар бўлинмаларидан» сўзлари «Ишчи органдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илова қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг қишлоқ хўжалигини кимёвий препаратлар билан таъминлаш борасида ҳамкорлик қилиши ТАРТИБИ»**



**II босқич - Усимликларнинг қишлоқ хўжалигини таъминлаш борасида ҳамкорлик қилиши**

1. Хўжалик «Агроқимё» АЖ мутахассислари томонидан пестицидлар амалга ошириш ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган зараркунчилар, касалликлар ва бегона ўтларнинг тарқалиши прогнози асосида кейинги йил учун технология картани тузиш.

2. Хўжалик «Агроқимё» АЖ тўғрисида маълумотларни тўлиқ равишда таъминлаш ва сув хўжалиги бўлиқлари ва туманлар Фермерлар кенгашлари билан келишиш.

3. Хўжалик «Агроқимё» АЖ туманлар филиаллари пестицидларга бўлган эҳтиёж ҳақидаги буюртмаомонани туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлиқлари ва туманлар Фермерлар кенгашлари билан келишганда сўнг хўжалик «Агроқимё» АЖга тақдим этади.

4. Буюртмаомонлар ҳудудий «Агроқимё» АЖ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бўлиқлари билан келишиш, Худудий «Агроқимё» АЖ пестицидларга бўлган эҳтиёж ҳақидаги буюртмаомон тақдим этилиши ва сув хўжалиги бўлиқлари билан келишиш, Худудий «Агроқимё» АЖ пестицидларга бўлган эҳтиёж ҳақидаги буюртмаомон тақдим этилиши Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бўлиқлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Фермерлар кенгашлари билан келишганда сўнг «Агроқимё» АЖга тақдим этади.

**III босқич - Усимликларнинг қишлоқ хўжалигини таъминлаш борасида ҳамкорлик қилиши**

5. За. «УзАгроқимё» АЖ буюртмаомонларини узумлаштириш, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва талаб этиладиган пул ҳабадларини «Узқимё» АЖ билан келишиш.

6. ба. «УзАгроқимё» АЖ пестицидларга бўлган эҳтиёж ҳажмларини узумлаштириш, ишлаб чиқариш қимёвий қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишиш, Худудий «Агроқимё» АЖ пестицидларга бўлган эҳтиёж ҳажмига тақдим этилиши ва сув хўжалиги вазирлиги хўжалиги Идораларга комиссияга тақдим этилиши.

7. Та. Усимликларнинг қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишиш. Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этилиши. Иқтисодиёт вазирлигида усимликларнинг қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишиш, Худудий «Агроқимё» АЖ пестицидларга бўлган эҳтиёж ҳажмига тақдим этилиши ва келадиган бўлиши ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилиши.

8. Усимликларнинг қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишиш, Худудий «Агроқимё» АЖ пестицидларга бўлган эҳтиёж ҳажмига тақдим этилиши.

9. Усимликларнинг қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишиш, Худудий «Агроқимё» АЖ пестицидларга бўлган эҳтиёж ҳажмига тақдим этилиши.

**III босқич - Усимликларнинг қишлоқ хўжалигини таъминлаш борасида ҳамкорлик қилиши**

10. «УзАгроқимё» АЖ (тайёр қишлоқ хўжалиги вазирлиги) ва «Электрқимё» АЖ ҚҚ (таъриқчил вазирлиги бўлиқ) томонидан ҳарид шартномалари Идораларга тендер комиссиясига тақдим этилиши.

11. Тендер шартномаларига кўра Идораларга тендер комиссияси таъсирчан вазирлиги ва тайёр препаратлар етказиб беришни фирмаларни аниқлайди.


12. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишиш, Худудий «Агроқимё» АЖ пестицидларга бўлган эҳтиёж ҳажмига тақдим этилиши ва келадиган бўлиши ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилиши.

13. Импоррт қилинган таъсирчан вазирлиги билан келишиш, Худудий «Агроқимё» АЖ пестицидларга бўлган эҳтиёж ҳажмига тақдим этилиши ва келадиган бўлиши ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилиши.

14. Импоррт қилинган қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишиш, Худудий «Агроқимё» АЖ пестицидларга бўлган эҳтиёж ҳажмига тақдим этилиши ва келадиган бўлиши ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилиши.

15. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишиш, Худудий «Агроқимё» АЖ пестицидларга бўлган эҳтиёж ҳажмига тақдим этилиши ва келадиган бўлиши ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилиши.

16. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишиш, Худудий «Агроқимё» АЖ пестицидларга бўлган эҳтиёж ҳажмига тақдим этилиши ва келадиган бўлиши ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилиши.



г) 3-илова қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

**«Қишлоқ хўжалиги учун таъсирчан моддалар ва  
тайёр кимёвий препаратлар харид қилиш бўйича  
идоралараро тендер комиссияси  
ТАРКИБИ**

Ғаниев Э.М.	— Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири, комиссия раиси
Абдусаматов Б.Х.	— Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси
Сайдалиев С.С.	— Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси бош Давлат санитария вазири
Мирзаев М.М.	— Молия вазирининг ўринбосари
Халияров Ю.Д.	— «Ўзкимёсаноат» АЖ раисининг ўринбосари
Мирзаев Ш.Ш.	— «Агробанк» АТБ бошқаруви раисининг ўринбосари
Давлатов А.К.	— Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Товар бозорлари конъюнктурасини ўрганиш ҳамда инвестиция лойиҳалари ва дастурлари экспертизаси республика маркази директори
Очилов Р.О.	— «Ўзагрокимёхимоя» АЖ раисининг ўринбосари
Саъдуллаев А.У.	— «Ўзагрокимёхимоя» АЖ ҳузуридаги ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти директори
Холиков Б.М.	— Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директорининг ўринбосари
Ходжаев З.М.	— Навоий «Электркимё завод» АЖ қўшма корхонаси бошқаруви раиси.

Изоҳ: комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 15 ноябрдаги ПҚ–512-сон қарори)» 2007 йил 4 январдаги 7-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2007 й., 1-2-сон, 13-модда) 1-иловадан «Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё республика маркази» блоки чиқариб ташлансин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулки объектларидан оқилона фойдаланиш ва уларни тасаруф этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 8 сентябрдаги 251-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2011 й., 36-сон, 369-модда) 2-илованинг 75-сатри «Балансда сақловчи» усту-

нидаги «Қишлоқхўжалиқкимё» ОАЖ» сўзлари «Ўзагрокимёхимоя» акциядорлик жамиятининг «Сирдарё агрокимёхимоя» акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 13 мартдаги 131-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини  
йўқотган деб эътироф этилаётган баъзи қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўсимликларни химоя қилиш хизмати тuzилмасини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 29 мартдаги 148-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2004 й., 13-сон, 150-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 28 июндаги 290-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2004 йил 4 июндаги 257-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 6-сон, 51-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида чигиртка ва бошқа хавфли зараркунандаларга қарши курашиш махсус ишчи гуруҳини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 24 мартдаги 89-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 12 декабрдаги 256-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2006 й., 48-50-сон, 488-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 11 июндаги 165-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 6-сон, 37-модда) 3-илова-нинг 167 ва 199-позициялари чиқариб ташлансин.